ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

# ҚАРОРИ

# ПОСТАНОВЛЕНИЕ

ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил "3" апрель №ПҚ-4265 "___" __________ 20 г.

## Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнгги йилларда кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали тармоқни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кимё саноатини жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалда рўёбга чиқариш, энг аввало, давлат активларини хусусий мулкка сотиш ҳисобига корхоналардаги давлат улушини қисқартириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий услублари, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш ҳамда корхоналарнинг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш орқали тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чоралар кўрилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Кимё саноатини янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва тармоқ диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида:

1. "Ўзкимёсаноат" АЖнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда оптималлаштирилган ва янги истиқболли лойиҳалар билан тўлдирилган, ҳисобланган қиймати **12,1 млрд** АҚШ долларига тенг, шу жумладан **1,7 млрд** АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига **31** та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни назарда тутувчи ҳамда қуйидагиларга қаратилган **2019–2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури** 1-иловага мувофиқ маъқуллансин:

**азотли, фосфорли, калийли ва мураккаб минерал ўғитларни,** шу жумладан ушбу маҳсулотларни "Навоийазот" АЖ, "Самарқандкимё" АЖ, "Фарғонаазот" АЖ, "Қўқон суперфосфат заводи" АЖ, "Аммофос-Максам" АЖ, "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ негизида, шунингдек, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳри ва Навоий вилоятининг Томди туманида ишлаб чиқариш бўйича амалдаги қувватларни модернизация қилиш, кенгайтириш ҳамда энергия жиҳатидан самарадор янги қувватларни барпо этиш;

"Ўзбекнефтгаз" АЖ билан биргаликда ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илғор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда **полимер маҳсулотлари**, шу жумладан полиэтилентерефталат (ПЭТ), поливинилхлорид (ПВХ), синтетик каучук, полистирол, полиуретан, полиол, акрилонитрил-бутадиен-стирол (АБС) пластик, полиакрилонитрил (ПАН) маҳсулотларини чиқариш бўйича янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш;

тармоқ корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини, уларнинг негизида иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган **кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини,** шу жумладан меламин, метиламин, формальдегидли, карбамид-формальдегидли ва меламин-формальдегидли сақичлар, этилацетат, озуқа тузи, натрий бикарбонати, хлор-сирка кислотаси, натрий нитрати, бутилацетат, тринатрий фосфат, нитроцеллюлоза, металлургия, нефтгаз ва тўқимачилик саноатлари учун реагентлар, катализаторлар ва кимевий қўшилмалар, шунингдек, полимер фитинглар, биаксил йўналтирилган полипропилен пленкаси (БОПП), ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари ва уларни ишлаб чиқариш учун амалдаги моддаларни чиқариш бўйича ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Кимё тармоғида ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

тармоқнинг айрим корхоналари активларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш орқали амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва кенгайтиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш;

"Ўзкимёсаноат" АЖ ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва жамият бошқаруви органларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш;

кимё тармоғи корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳолатини янада яхшилаш.

3. "Ўзкимёсаноат" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг **хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат ва "Ўзкимёсаноат" АЖ улушларини қуйидаги тартибда сотиш тўғрисидаги** таклифига розилик берилсин:

а) инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан потенциал инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан:

**"Самарқандкимё" АЖ** устав капиталидаги **60,35 фоиз** давлат акциялари ва **"Ўзкимёсаноат" АЖнинг 39,65 фоиз** акцияларини экологик жиҳатдан зарарсиз замонавий кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш шарти билан "ноль" харид қийматида;

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



**“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ** устав фондидаги “Ўзкимёсаноат” АЖнинг **51 фоиз** улушини корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини йилига **200** минг тоннадан **450** минг тоннагача ошириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун инвестицияларни жалб қилиш шарти билан бозор қийматида;

**“Қўқон суперфосфат заводи” АЖ** устав капиталидаги **70,54 фоиз** давлат акциялари ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг **25 фоиз** акциялари – “Индорама” (Сингапур) компаниясига суперфосфат ишлаб чиқариш қувватини **100** фоиз соф ҳолда **63** минг тоннага етказиш ва янги турдаги махсулотларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан **4,3 млн** АҚШ доллари миқдорида сотиб олиш қийматида;

б) **“Фарғонаазот” АЖ** устав капиталидаги **48,05 фоиз** давлат акциялари ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг **2,95 фоиз** акцияларини инвестор томонидан аммиак ишлаб чиқариш қувватини йилига **660** минг тоннага, карбамидни – **600** минг тоннага, аммиакли селитрани – **700** минг тоннага ва азот кислотасини – **530** минг тоннага етказиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан – танлов савдоларида бозор қийматида;

в) **“Электркимёзавод” ҚК АЖ** устав капиталидаги “Ўзкимёсаноат” АЖнинг **26,14 фоиз** акцияларини – очиқ савдоларда бозор қийматида;

г) **“Жиззах пластмасса” АЖ** устав капиталидаги 25 фоизгача акциялар – дастлабки босқичда бирламчи оммавий таклифни (IPO) ўтказиш асосида;

д) қуйидагилар орқали:

**“Деҳқонобод калий заводи” МЧЖни** акциядорлик жамиятига ўзгартириш ҳамда жамиятнинг устав капиталидаги **51 фоиз** ва ундан ортиқ акцияларни потенциал инвесторлар мавжуд бўлганда ва улар томонидан гранулаланган хлорли калий, калий сульфати ва калий тузларининг бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юк ташувчи осма йўл ва ташқи электр таъминоти линиялари қурилишини якунлаш бўйича инвестиция, шунингдек, ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан уларни тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш имкониятини назарда тутган ҳолда танлов савдоларда бозор қийматида;

**“Биринчи резинотехника заводи” МЧЖни** акциядорлик жамиятига ўзгартириш ва жамиятнинг устав капиталининг **51 фоизигача** бўлган миқдорда қўшимча чиқарилган акцияларини потенциал инвесторлар мавжуд бўлганда ва тушган маблағларни жамият инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда жалб этилган кредитларни сўндиришга йўналтирган ҳолда уларни тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали реализация қилиш имкониятини назарда тутган ҳолда очиқ савдоларда бозор қийматида сотиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

“Қўқон суперфосфат заводи” АЖ ва “Фарғонаазот” АЖ устав капиталларидаги давлат улушини сотишдан тушган маблаглар, истисно тариқасида, “Ўзкимёсаноат” АЖ устав капиталидаги давлат ҳиссаси сифатида, мазкур маблағлардан ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мақсадли фойдаланиш учун Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига тўлиқ йўналтирилади;

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



“Ўзкимёсаноат” АЖ унинг таркибидаги қайта ташкил этилган ташкилотларга тегишли юридик шахсларнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ акцияларига эгалик қилишга киришиши янгидан харид қилинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

ушбу қарорга мувофиқ тармоқ корхоналарини қайта ташкил этишда ташкилотдан ташкилотга ўтказиладиган мулк, мулк ҳуқуқлари, шунингдек, акциялар, улушлар ва активлар ҳамда давлат активларини сотишдан тушган, шу жумладан “Ўзкимёсаноат” АЖ устав капиталига ўтказиладиган даромадлар қиймати юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ягона солик тўлови, тўлов манбаидан тўланадиган дивидендлар кўринишидаги даромадларга солиқ ҳисоблашда солиқ солинадиган базага киритилмайди;

Деҳқонобод калий заводи акцияларини потенциал инвесторларга тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш ёки қўшимча акцияларни чиқариш орқали, шу жумладан уларга инвестиция мажбуриятларини юклаган ҳолда сотишдан тушган маблағлар жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси олдидаги кредитларини сўндиришга йўналтирилади;

хўжалик бошқаруви органларининг устав капиталига ўтказилган хўжалик жамиятлари устав капиталларидаги улушларни тасарруф этиш уларнинг бошқарув органлари қарорлари билан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда минерал ўғитлар нархларининг кескин ўзгариши хавфини ҳамда пахта хомашёси ва ғалла қийматига таъсирининг олдини олишни ҳисобга олган ҳолда минерал ўғитларга бўлган нархларни шакллантиришнинг бозор механизмларини жорий этиш, шунингдек, минерал ўғитларни сотиб олиш учун биржа савдоларида барча иштирокчилар (харидорлар) учун тенг шароитларни таъминлаш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг ушбу қарорга 3-иловада кўрсатилган умумий қиймати **85,1 млн** АҚШ доллари миқдоридаги, шу жумладан молиялаштириш манбаи сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига “Ўзкимёсаноат” АЖ инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини оптималлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ТИФ ТН бўйича 4011 ва 4012 коди билан импорт қилинадиган автомобиль ва қишлоқ хўжалиги шиналарига божхона божларининг аралаш ставкаси жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “2017–2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ–3236-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги “Ўзкимёсаноат” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил "3" апрелдаги ПҚ–4265-сон қарорига
1-илова

**2019-2030 йилларда кимё саноатини ривожлантириш**
**ДАСТУРИ**

млн АҚШ долларида

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | **ЖАМИ (31 та лойиҳа)** | | | | **12 072,5** | **1 141,25** | **1 748,35** | **9 182,9** |
| | **I. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қаратилган инвестицион лойиҳалар (12 та лойиҳа)** | | | | **3 564,0** | **365,9** | **964,5** | **2 233,6** |
| 1. | "Самарқандкимё" АЖ негизида аммиак, карбамид, аммоний сульфати ва меламина ишлаб чиқариш | аниқланмоқда | Ferkensco Management Limited (Кипр) | 2019-2023 йиллар | 450,0 | - | 450,0 | - |
| 2. | "Навоийазот" АЖ негизида азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 500 минг тонна | «CASALE SA» (Швейцария) | 2019 й. | 216,6 | 28,3 | - | 188,3 |
| 3. | "Навоийазот" АЖ негизида аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 660 минг тонна аммиак ва 577 минг тонна карбамида | «Mitsubishi Heavy Industries Ltd», «Mitsubishi Corporation Ltd.» (Япония) | 2019-2020 йиллар | 985,7 | 88,7 | - | 897,0 |
| 4. | "Аммофос-Максам" АЖ негизида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш - I босқич | ишлаб чиқариш қувватларини соф ҳолда йилига 20,0 минг тоннага ошириш | Maxam (Испания) | 2019 й. | 9,7 | 2,4 | - | 7,3 |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | | | | | | | | |
| 5 | "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" МЧЖда калий сульфати ва бошқа калий тузларининг турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 120 минг тонна | танлов натижаларига кўра аниқланади | 2019-2023 йиллар | 61,0 | - | 61,0 | - |
| 6. | "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" МЧЖ негизида грануляцияланган хлорли калий ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 180 минг тонна | танлов натижаларига кўра аниқланади | 2019-2023 йиллар | 15,0 | - | 15,0 | - |
| 7. | Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш | йилига 400 минг тонна аммиак ва 660 минг тонна карбамид | аниқланмоқда | 2019-2023 йиллар | 600,0 | 90,0 | 90,0 | 420,0 |
| 8. | Навоий вилоятида фосфорли ўғитлар, олтингугурт кислотасини ишлаб чиқариш, фосфорит хом ашёсини қайта ишлаш | йилига соф ҳолда 274 минг тн фосфорли ўғитлар ва 1,5 млн. тн. олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш, 2,4 млн. тн. фосфорит хом ашёсини қайта ишлаш | аниқланмоқда | 2019-2024 йиллар | 950,0 | 142,5 | 142,5 | 665,0 |
| 9. | "Фарғонаазот" АЖ негизида аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни модернизация | аммиак ишлаб чиқаришни йилига 660 минг | танлов натижаларига кўра аниқланади | 2019-2023 йиллар | 91,0 | - | 91,0 | - |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | қилиш | тоннага ва карбамид ишлаб чиқаришни 600 минг тоннага етказиш | | | | | | |
| 10. | “Фарғонаазот” АЖда аммиакли селитра ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва бўш азот кислотаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш | аммиакли селитра ишлаб чиқариш қувватларини йилига 700 минг тонна ва азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватларини йилига 530 минг тоннага етказиш | танлов натижаларига кўра аниқланади | 2019-2023 йиллар | 45,0 | - | 45,0 | - |
| 11. | “Аммофос-Максам” АЖ негизида фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш II босқич | ишлаб чиқариш қувватларини йилига соф ҳолда 80 минг тоннага ошириш | Maxam (Испания) | 2020-2024 йиллар | 70,0 | 14,0 | - | 56,0 |
| 12. | “Қўқон суперфосфат заводи” АЖда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | ишлаб чиқариш қувватларини йилига соф ҳолда 63 минг тоннага ошириш | Indorama (Сингапур) | 2019-2021 йиллар | 70,0 | - | 70,0 | - |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | **II. Полимер маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестицион лойиҳалар (3 та лойиҳа)** | | | | **7 040,1** | **576,3** | **524,0** | **5 939,8** |
| 13. | "Навоийазот" АЖда поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш | йилига 100 минг тн ПВХ, 72 минг тн каустик сода, 300 минг тн. метанол | "China CAMC Engineering Co." ва "HQC Shanghai" (ХХР) компаниялари консорциуми | 2019 й. | 500,1 | 60,3 | - | 439,8 |
| 14. | "Жиззах" ЭИЗда "БОПП пленка" ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 20 минг тонна БОПП-плёнка | LG International (Корея) | 2019-2022 йиллар | 40,0 | 16,0 | 24,0 | - |
| 15. | "Ўзбекнефтгаз" АЖ билан ҳамкорликда ПЭТ, синтетик каучук, кимёвий толалар, полистирол, полимерлар ва бошқа нефткимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида МТО технологияси бўйича 2 млрд. м. куб табиий газни қайта ишлаб, олефинлар ишлаб чиқариш | МТО технологияси асосида 2 млрд м.куб табиий газни қайта ишлаб, 1 млн. тонна олефинлар ишлаб чиқариш ва ундан ПЭТ, синтетик каучук, кимёвий толалар, полистирол, полимерлар ва бошқа нефткимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | аниқланмоқда | 2019-2026 йиллар | 6 500,0 | 500,0 | 500,0 | 5 500,0 |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | **III. Республика иқтисодиёти тармоқлари учун янги кимёвий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва мавжудларини кенгайтириш бўйича инвестицион лойиҳалар (16 та лойиҳа)** | | | | **1 468,4** | **199,05** | **269,85** | **1 009,5** |
| 16. | "Навоийазот" АЖ негизида аммоний роданити ва натрий полисульфиди асосида тиомочевина ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 10 минг тонна | аниқланмоқда | 2019-2023 йиллар | 50,0 | 7,5 | 7,5 | 35,0 |
| 17. | "Жиззах пластмасса" АЖда кимёвий қўшилмалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш | йилига 8,2 минг тн. кимёвий қўшимчалар | Helbeto (Туркия) | 2019 й. | 1,6 | 0,3 | 1.3 | - |
| 18. | Навоий вилоятида ферросилиций ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 10 минг тонна | аниқланмоқда | 2019-2022 йиллар | 10,0 | 1,0 | 5,0 | 4,0 |
| 19. | Капролактам ишлаб чиқаришда кимёвий чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилишни ташкил этиш | капролактам ишлаб чиқаришда кимёвий чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилиш | СП ООО "ECO TECH GROUP" МЧЖ қўшма корхонаси (Буюк Британия) | 2019-2022 йиллар | 3,0 | - | 3,0 | - |
| 20. | "Навоийазот" АЖ негизида қуруқ циан тузларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 10 минг тонна | аниқланмоқда | 2019-2023 йиллар | 30,0 | 4.5 | 4,5 | 21,0 |
| 21. | Навоий вилоятида ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | йилига 5 минг тонна | аниқланмоқда | аниқланмоқда | 5,0 | 0,75 | 0,75 | 3,5 |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| 22. | ЛАБ асосида синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | аниқланмоқда | аниқланмоқда | 2023-2025 йиллар | 58,6 | 12,0 | 20,0 | 26,6 |
| 23. | "Қўнғирот сода заводи" МЧЖда мавжуд калцинацияланган сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | ишлаб чиқаришни йилига 250 минг тоннага ошириш ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш | музокаралар натижаларига кўра | 2019-2024 йиллар | 180,0 | - | 50,0 | 130,0 |
| 24. | "Ангрен" ЭИЗдаги Резина техника заводида енгил ва юк автобус шиналари, конвейер ленталари, шунингдек бошқа резина махсулотларини ишлаб чиқариш (II босқич) | йилига 2 млн. донагача автошиналар, 600 минг дона юк ва автобус шиналари, 100 минг п.м. конвейер лентаалар ҳамда 4 минг тонна резина техника маҳсулотлари | аниқланмоқда | 2020-2024 йиллар | 200,0 | 30,0 | 30,0 | 140,0 |
| 25. | ПВХ ишлаб чиқариш учун каустик сода ҳамда хлор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | йилига 60 минг тонна каустик сода ва 56 минг тонна хлор | аниқланмоқда | 2022-2025 йиллар | 213,0 | 32,0 | 32,0 | 149,0 |
| 26. | "Ангрен" ЭИЗ худудида тўқимачилик кордлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш | йилига 3 минг тонна | аниқланмоқда | 2020-2024 йиллар | 20,0 | 3,0 | 3,0 | 14,0 |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| 27. | “Ангрен” ЭИЗ худудида техник углерод ишлаб чиқишни ташкил этиш | йилига 40 минг тонна | аниқланмоқда | 2020-2024 йиллар | 100,00 | 15,00 | 15,00 | 70,0 |
| 28. | “Навоийазот” АЖ метанол негизида кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | йилига 40 минг тонна формальдегид, 40,0 минг тонна карбамид-формальдегидли қоришма, 15,0 минг тонна - меламин-формальдегидли қоришма, 35,0 минг тонна МТБЭ, 30,0 минг тонна хлор-уксус кислотаси, 30,0 минг тонна метиламин | аниқланмоқда | 2024-2026 йиллар | 435,0 | 65,3 | 65,3 | 304,4 |
| 29. | “Фарғонаазот” АЖ негизида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда янги турдаги кам-тоннали кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | этилацетат ишлаб чиқаришни 3,0 минг тоннага, “ПАЦ-Azot” полимер реагенти ишлаб чиқаришни 2,0 минг тоннага, натрий нитрати ишлаб чиқаришни 4,5 минг тоннага, | аниқланмоқда | 2019-2024 йиллар | 12,2 | 5,2 | - | 7,0 |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | | натрий бикарбонати ишлаб чиқариш 3,0 минг тоннагача ошириш; янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш: бутилацетата - 2,0 минг тонна, тринатрий фосфата - 0,4 минг тонна, нитроцеллюлоза - 5,0 минг тонна | | | | | | |
| 30. | Водород пероксиди ишлаб чиқариш | йилига 12 минг тонна | аникланмокда | 2019-2023 йиллар | 25,0 | 3,75 | 3,75 | 17,5 |
| 31. | Катализаторлар ишлаб чиқариш | 7,5 минг тонна катализаторлар, жумладан, синтез газ конверсияси /метанлаш, газни олтингугуртдан тозалаш ва олтингугуртни ушлаб олиш, табиий газни риформинг қилиш, аммиакни синтез қилиш, | аникланмокда | 2020-2024 йиллар | 125,0 | 18,75 | 18,75 | 87,5 |

| Т/р | Лойиҳанинг номи | Лойиҳанинг қуввати | Хорижий ҳамкор | Амалга ошириш муддатлари | Лойиҳанинг умумий қиймати | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ўз маблағлари | тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар | молия институтлари кредитлари |
| | | олтингугурт кислотасини синтез қилиш учун ҳамда полимеризация жараёни учун органик перекислар | | | | | | |

**Изох**: Лойиҳаларнинг якуний параметрлари лойиҳаларнинг дастлабки техник иқтисодий асослар/техник иқтисодий асосларини (ПТЭО/ТЭО) тасдиқлаш ҳамда тендер савдоларини ўтказиш натижаларига кўра аниқлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил "3" апрелдаги ПҚ–4265 -сон қарорига
2-илова

**Кимё тармоғида ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси**

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. "Ўзкимёсаноат" АЖ ташкилий таркиби ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш** | | | | |
| 1. | Фойдаланилмаётган, самарасиз (зарар келтирадиган) ва ихтисослигига оид бўлмаган активларни қисқартириш ҳисобига "Ўзкимёсаноат" АЖ таркибидаги ташкилотлар харажатларини мақбуллаштириш мақсадида уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш. | 1. Корпоратив бошқарувнинг халқаро стандартларини жорий этишни назарда тутган ҳолда корпоратив жараёнларни такомиллаштириш мақсадида "Ўзкимёсаноат" АЖ ташкилотларида ўрганиш ва аудит ўтказиш.<br>2. "Ўзкимёсаноат" таркибидаги ташкилотларнинг мавжуд активларини хатловдан ўтказиб, фойдаланилмаётган, самарасиз (зарар келтирадиган) ва ихтисослигига оид бўлмаган активларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш, шу жумладан очиқ савдоларда реализация қилиш ва давлат бошқаруви ҳудудий органларига топшириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш. | 2019 йил 30 июнь<br><br>2019 йил октябрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 2. | Йирик хорижий кимё компанияларида кўп йиллик бошқариш ва ишлаш тажрибасига эга номзодлар, илмий ходимлар орасидан мустақил аъзоларни "Ўзкимёсаноат" АЖ Кузатув кенгаши таркибига жалб этиш. | Илмий ходимлар ва етакчи чет эллик кимё мутахассислари билан уларнинг Кузатув кенгашида иштироки масаласи юзасидан музокаралар ўтказиш. | 2019 йил июнь-сентябрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 3. | "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви таркибида аудит ва бошқа йўналишлар бўйича қўмиталар ташкил қилиш. | Аудит ва бошқа йўналишлар бўйича қўмиталар фаолиятининг намунавий низомлари ва тартибларини ишлаб чиқиш.<br>Бошқарув органлари мажлисларида қўмиталарни ташкил этиш ва уларнинг низомларини тасдиқлаш масалаларини кўриб чиқиш ташаббусларини олга суриш. | 2019 йил сентябрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 4. | Тармоққа юқори малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш | "Буюк келажак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан юқори малакали мутахассислар ва хорижий ҳамкорларни ишга таклиф этиш. | 2019 йил август | Молия вазирлиги (Хайдаров), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| **II. Кимё саноатини ривожлантиришга активларни сотиш йўли билан тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш** | | | | |
| 5. | "Самарқандкимё" АЖ устав капиталидаги давлат акцияларининг 60,35 | 1. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун лозим бўладиган ҳудудни аниқлаш, зарурат пайдо бўлганида | 2019 йил июнь-июль | Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | фоизини ва “Ўзкимёсаноат” АЖ акцияларининг 39,65 фоизини (акцияларнинг 100 фоизини) “ноль” харид қийматида экологик жиҳатдан зарарсиз замонавий кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан сотиш. | илгари маҳаллий ҳокимият органларига топширилган фойдаланмаётган майдонларни ҳоким қарори билан ажратиш. | | (Умурзаков), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров) Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Турдимов) |
| | | 2. Потенциал инвестор билан ўғитлар ва меламин ишлаб чиқариш бўйича кимё мажмуасини қуриш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун етарли бўлган миқдорда инвестиция ва мажбуриятларни, шу жумладан жамиятнинг қарз ва кредитларини узиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш шарти асосида тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш. | 2019 йил июль-август | ИТСВ (Умурзаков) Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), Молия вазирлиги (Хайдаров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев). |
| | | 3. Давлат тендер комиссияси тасдиғига жамият акцияларининг 100 фоизини сотиш, шунингдек потенциал инвесторнинг ижтимоий мажбуриятлари ҳамда инвестициявий мажбуриятларининг энг кам миқдори юзасидан шартларни киритиш. | 2019 йил сентябрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), «Ўзкимёсаноат» АЖ (Темиров) |
| | | 4. Инвестиция шартномасини белгиланган тартибда имзолаш. | 2019 йил ноябрь-декабрь | ИТСВ (Умурзаков) Молия вазирлиги (Хайдаров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов) |
| | | 5. Жамият акциялари олди-сотдиси шартномасини инвестор томонидан қабул қилинган инвестициявий ва | инвестиция битими | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | ижтимоий мажбуриятлар шартлари асосида белгиланган тартибда имзолаш. | имзолангандан кейин бир ой давомида | «Ўзкимёсаноат» АЖ (Темиров) |
| 6. | "Қўқон суперфосфат заводи" АЖ устав капиталидаги давлат акцияларининг 70,54 фоизини ва "Ўзкимёсаноат" АЖ акцияларининг 25 фоизини (жами – акцияларнинг 95,54 фоизини) суперфосфат ишлаб чиқариш қувватини соф ҳолда 63 минг тоннага етказиш ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича сотиб олиш ва инвестиция мажбуриятлари шаклида "Индорама" компаниясининг 4.3 млн. доллар миқдоридаги инвестицияларини жалб қилган ҳолда сотиш. | 1. Жамият устав фондидаги 95,54 фоиз акцияларни сотиш шартларини ижтимоий мажбуриятлар ва инвестициявий мажбуриятларнинг минимал миқдорини ҳамда уларни бажариш муддатини аниқ белгилаб, Давлат тендер комиссияси тасдиғига киритиш. | 2019 йил апрель | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| | | 2. Инвестиция битимини белгиланган тартибда имзолаш. | 2019 йил май | ИТСВ (Умурзаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Молия вазирлиги (Хайдаров), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев) |
| | | 3. Жамият акциялари олди-сотди шартномасини инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар шартлари асосида белгиланган тартибда имзолаш. | инвестиция битими имзолангандан кейин бир ой давомида | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 7. | "Қўнғирот сода заводи" МЧЖ устав капиталидаги "Ўзкимёсаноат" АЖнинг 51 фоиз улушини бозор қийматида корхона ишлаб чиқариш қувватини йилига 200 минг тоннадан 450 минг тоннагача кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун инвестициялар жалб қилиш шарти билан потенциал инвесторга сотиш. | 1. Тўғридан-тўғри музокаралар натижасида корхона ишлаб чиқариш қувватини йилига 200 минг тоннадан 450 минг тоннагача кенгайтириш ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун ижтимоий мажбуриятларни ва инвестициялар жалб этишнинг аниқ муддатларини белгилаган ҳолда инвестиция битимини имзолаш. | 2019 й.июнь | ИТСВ(Умурзаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), Молия вазирлиги (Хайдаров) Давлат геология қўмитаси (Исламов), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| | | 2. Жамият акциялари олди-сотди шартномасини инвестор томонидан қабул қилинган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар шартлари асосида белгиланган тартибда имзолаш. | инвестиция битими имзолангандан кейин бир ой | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | | давомида | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев) |
| 8. | Дастлабки босқичда “Жиззах пластмасса” АЖ (IPO) устав капиталининг 25 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча акциялар чиқариб, жамият акцияларини биринчи очиқ таклиф қилиш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш. | 1. Баҳолаш ташкилоти томонидан “Жиззах пластмасса” АЖ акцияларининг бозор қийматини аниқлаш, акциялар бозор қийматини аниқлаш бўйича ҳисоботни экспертизадан ўтказиш ва жамият акцияларининг 25 фоизигача биринчи очиқ таклиф учун ҳужжатлар тайёрлаш. | 2019 йил апрель-ноябрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров) |
| | | 2. “Жиззах пластмасса” АЖ (IPO) устав капиталининг 25 фоизигача бўлган миқдордаги акцияларининг бозор қийматидаги биринчи очиқ таклифини босқичма-босқич ўтказиш, акцияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш. | 2019 йил декабрь-2020 йил сентябрь | Капиталлар бозорини ривожлантириш агентлиги (Назиров) |
| | | 3. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қўшимча акцияларни сотишдан тушган маблағлар етишмаса, “Жиззах пластмасса” АЖнинг аввал ташкил қилинган қўшма корхоналардаги улушини сотиш. | 2020 йил январь | “Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев) |
| 9. | Инвестор аммиак ишлаб чиқариш қувватини йилига 660 минг тоннага, карбамид ишлаб чиқариш қувватини 600 минг тоннага, аммиакли селитра ишлаб чиқариш қувватини 700 минг тоннага ва азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватини 530 минг тоннага етказиш бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиши шарти билан “Фарғонаазот” АЖ устав капиталидаги давлат акцияларининг 48,05 фоизини ва “Ўзкимёсаноат” АЖ акцияларининг 2,95 фоизини реализация қилиш. | 1. Баҳолаш ташкилоти томонидан жамият устав жамғармасидаги 51 фоиз акциялар пакетининг бозор қийматини, шу жумладан давлат акцияларининг 48,05 фоизини ва “Ўзкимёсаноат” АЖ акцияларининг 2,95 фоизини белгилаш. | 2019 йил июнь | “Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев) |
| | | 2. “Фарғонаазот” АЖ маблағлари ҳисобидан акциялар қийматини баҳолашни ва бозор қийматини баҳолаш бўйича ҳисобот экспертизасини баҳолаш хизматлари ҳақини тўлаган ҳолда якунига етказиш. | 2019 йил август | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), “Ўзкимёсаноат” АЖ (Темиров) |
| | | 3. “Фарғонаазот” АЖ устав капиталидаги давлат акцияларининг 48,05 фоизини ва “Ўзкимёсаноат” АЖ акцияларининг 2,95 фоизини сотиш шартларини Давлат | 2019 йил сентябрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), Давлат тендер комиссияси (Арипов) |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | тендер комиссияси тасдиғига киритиш, инвестициявий мажбуриятларини ва уларни жалб қилишнинг аниқ муддатларини, ижтимоий мажбуриятларини ва акцияларнинг бозор қиймати бўйича сотиб олиш муддатларини белгилаш.<br><br>4. Жамият устав жамғармасидаги акцияларнинг 51 фоизини сотиш учун танлов савдоларини эълон қилиш.<br>5. Энг фойдали ижтимоий мажбуриятлар ва сотиб олиш тўловининг энг катта миқдорини ва инвестициявий мажбуриятларни таклиф этган инвесторни Давлат тендер комиссияси томонидан танлов ғолиби этиб тасдиқлаш.<br><br>6. Инвестиция битимини ва "Фарғонаазот" устав капиталида давлат акциялари ва "Ўзкимёсаноат" АЖ акциялари олди-сотди шартномасини имзолаш | 2019 йил октябрь<br><br>танлов якунланган санадан бошлаб бир ой давомида<br><br>Давлат тендер комиссияси ўрнатган муддатда | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров)<br><br>ИТСВ (Умурзаков) |
| 10. | "Электркимёзаводи" АЖ ҚК устав капиталидаги "Ўзкимёсаноат" АЖнинг 26,14 фоиз миқдоридаги улушини бозор қийматида очиқ савдоларда реализация қилиш. | 1. Баҳолаш ташкилоти томонидан акцияларнинг 26,14 фоизи бозор қийматини белгилаш ва баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш.<br><br>2. Акцияларни биржа савдоларига жойлаштириш<br><br>3. Акциялар олди-сотди шартномасини имзолаш. | 2019 йил июнь<br><br>2019 йил июль<br><br>акцияларга тўлов амалга оширилиши санасидан икки кун муддатда | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 11. | "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖни акциядорлик жамиятига айлантириш ва жамият устав капиталидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ акцияларининг 51 фоизи ва ундан ортиғини танлов савдоларида бозор қийматида сотиш, бунда потенциал инвесторлар бор бўлса, улар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиб, улар донадон хлорли калий, калий сульфати ва калий тузларининг | 1. Масъулияти чекланган жамиятни акциядорлик жамиятига айлантириш.<br><br>2. Баҳолаш ташкилоти томонидан Деҳқонобод калий заводи қўшимча чиқарилаётган акцияларининг бозор қийматини белгилаш ва баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш<br><br>3. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали хорижий инвесторни излаш (мавжуд бўлса), қимматли | 2019 йил июль<br><br>2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил октябрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юк ортиладиган осма арқон йўл ва электр таъминотининг ташқи линияси қурилишини якунлаш бўйича инвестициявий мажбуриятлар ҳамда ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиши шарти билан акцияларни сотиш имкониятини назарда тутиш. | қоғозлар савдолари ташкилотчилари ҳудудидан ташқарида акциялар олди-сотди шартномасини рўйхатдан ўтказиб, потенциал инвестор билан у инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиши шартлари асосида жамият устав капиталидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ акцияларининг 51 фоизини бозор қийматида сотиш тўғрисида инвестиция битими тузиш. | | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), ИТСВ (Умурзаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев), "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ (Воитов), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев) |
| | | 4. Потенциал инвестордан таклифлар бўлмаса, жамият устав капиталидаги акцияларнинг 51 фоизи ва ундан ортиғи миқдорида қўшимча акциялар чиқарилишини таъминлаш, уларни биржа савдоларида рўйхатга олиш ва акцияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси олдидаги кредитларини узишга йўналтириш. | 2020 йил апрелдан бошлаб | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 12 | "Биринчи резинотехника заводи" МЧЖни акциядорлик жамиятига айлантириш ва устав капиталининг 51 фоизи миқдоридаги акцияларини бозор қийматида реализация қилиш, акцияларни сотишдан тушган маблағларни жамиятнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ва жалб этилган кредитларни қоплашга йўналтириш. | 1. Масъулияти чекланган жамиятни акциядорлик жамиятига айлантириш. | 2019 йил июль-август | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), "Ўзавтосаноат" АЖ (Умурзаков), "Олмалиқ КМК" АЖ (Хурсанов), "Навоий КМК" ДК (Санакулов) |
| | | 2. Баҳолаш ташкилоти томонидан "Биринчи резинотехника заводи" қўшимча чиқарилаётган акцияларининг бозор қийматини белгилаш ва баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш | 2019 йил октябрь | |
| | | 3. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали хорижий инвесторни излаш ва танлаш (мавжуд бўлса), харид тўловининг энг кўп миқдорини таклиф қилган потенциал инвестор билан битимлар тузиш, кейинчалик хорижий инвесторга ёпиқ обуна асосида устав жамғармасининг 51 фоизгача (шу жумладан) қўшимча акцияларни жойлаштириш ва ундан тушган маблағларни жамият инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ва жалб этилган кредитларини қоплашга йўналтириш | 2019 йил ноябрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), ИТСВ (Умурзаков), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги(Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев) |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 4. Агар 6 ой давомида потенциал инвестордан таклиф тушмаса, "Биринчи резинотехника заводи" устав жамғармасининг 51 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча акцияларни чиқариш, биржага жойлантириш ва биржа савдоларида реализация қилиш ҳамда тушган маблағларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ва кредитларни қоплашга йўналтириш. | 2020 йил апрелдан бошлаб | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), "Ўзавтосаноат" АЖ (Умурзаков), "Олмалиқ КМК" АЖ (Хурсанов), "Навоий КМК" ДК (Санакулов) |
| 13. | Корея кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтини ташкил қилиш. | 1. "Тошкент кимё технологиялари илмий-тадқиқот институти" МЧЖ ҳудудини кенгайтириш учун камида 30 га ер майдонини ажратиш. | 2019 йил апрель | Тошкент вилоят ҳокимлиги (Ибрагимов), |
| | | 2. Жамият негизида институт ташкил этишга доир ҳукумат қарорини қабул қилиш, унда жалб этилган кредитларни узиш даврида солиқ солиш бўйича имтиёзлар беришни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгилашни назарда тутиш. | молия институтлари билан кредит ва грант маблағларини ажратиш шартлари келишилгандан кейин бир ой давомида | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), Молия вазирлиги (Хайдаров), ИТСВ (Умурзаков) |
| | | 3. Институт таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш юзасидан бошқарув органлари қарорини қабул қилиш ва уни белгиланган тартибда рўйхатга олиш. | белгиланган муддатларда | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| **III.Кимё тармоғи ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий ҳолатини яхшилаш** | | | | |
| 14. | Молия ҳисоботларининг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида "Ўзкимёсаноат" АЖ бўйича бирлаштирилган молиявий ҳисоботларни юритиш. | Бирлаштирилган молия ҳисоботи аудитини МҲХС бўйича ўтказиш учун ташкилотни жалб этиш. | 2020 йил март | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), Молия вазирлиги (Хайдаров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев) |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 15. | "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ ва "Қўнғирот сода заводи" МЧЖ устав жамғармаларидаги давлат улушларини "Ўзкимёсаноат" АЖ устав капиталига давлат улушини ошириш учун номинал қийматида ўтказиш. | 1. Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармасининг "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ ва "Қўнғирот сода заводи" МЧЖ устав жамғармаларидаги давлат улушларини номинал қийматида "Ўзкимёсаноат" АЖ устав капиталига ўтказиш тўғрисида буйруғини эълон қилиш.<br><br>2. Ўтказиладиган давлат улушлари ҳисобига "Ўзкимёсаноат" АЖнинг қўшимча акцияларини чиқариш ва жойлаштириш. | 2019 йил апрель<br><br>2019 йил май-июнь | Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 16. | "Ўзкимёсаноат" АЖ ташкилотининг салбий курслар фарқини ва зарарини аввалги йилларда йиғилган резервлар, шу жумладан ташкилотнинг баланс ҳисобларидаги мақсадли тушумлар ҳисобидан қоплаш. | "Ўзкимёсаноат" АЖ таркибидаги хўжалик жамиятлари томонидан 2019 йил биринчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия ҳисоботларини тайёрлашда тегишли бухгалтерия амалиётларини ўтказиш. | 2019 йил май | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 17. | "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ пул оқимларига босимни камайтириш. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Деҳқонобод калий ўғитлари заводини қуриш ва кенгайтириш учун (I ва II босқичлар) жалб қилинган Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредитлари бўйича ҳисобланган пеняни бекор қилиш имконияти хусусида келишилган таклиф киритиш. | 2019 йил апрель | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Вафаев), "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ (Воитов) |
| 18. | "Ўзкимёсаноат" АЖ ихтисослигига оид бўлмаган ва самарасиз активларини топшириш. | "Фурқат универсал улгуржи савдо базаси" УКни "Фурқат универсал улгуржи савдо базаси" мулкий мажмуаси негизида ташкил этилган "Мадад" ДКга қўшиш, мавжуд қарздорликни давлат захираларининг брони олинган моддий бойликларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобига қоплаш. | 2019 йил май | Давлат захираларини бошқариш қўмитаси (Курбанов), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Жураев), Молия вазирлиги (Хайдаров) |
| 19. | Тармоқ корхоналарининг самарасиз активларидан кейинчалик оқилона | "Навоийазот" АЖ устав капиталида давлат улушини камайтириш ва "Навоий КМК" ДК устав капиталида давлат | 2019 йил май | Давлат активларини бошқариш агентлиги |

| Т/р | Тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | фойдаланишни таъминлаш мақсадида уларнинг харажатларини мақбуллаштириш. | улушини топширилаётган активларнинг қолдиқ баланс қийматига ошириш ҳисобига суюқ циантузлар омборхонаси балансидан "Навоий КМК" ДКга топшириш бўйича келишилган таклифни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | (Жураев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Ходжаев) "Навоий КМК" ДК (Санакулов), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |
| 20 | Фойдаланиб бўлинган шиналарни утилизация қилиш механизмини белгилайдиган тартибни ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ишлатилган шиналар утилизацияси механизмини аниқлаш бўйича тегишли таклифлар киритиш. | 2019 йил июль | "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Кучкаров) |
| 21 | Ўзбекистон Республикасига контрафакт ва сифатсиз автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналарни олиб киришнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш. | Ички бозорда сотилаётган автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналарни сертификация қилиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш. | 2019 йил май | "Ўзстандарт" агентлиги (Саттаров), ИТСВ (Умурзаков) Давлат божхона қўмитаси (Азимов), "Ўзкимёсаноат" АЖ (Темиров) |

**Изоҳ:** Кимё тармоғи хўжалик жамиятларининг устав капитали (жамгармалари)даги давлат ва "Ўзкимёсаноат" АЖ активларини сотиш шартларига Давлат тендер комиссияси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил "3" апрелдаги ПҚ–4265-сон қарорига
3-илова

**"Ўзкимёсаноат" АЖнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбалари сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари мақбуллаштириладиган инвестиция лойиҳалари**

## РЎЙХАТИ

млн АҚШ долларда

| Т/р | Лойиҳа номи | Молиялаштиришга белгиланган ЎзТТЖ кредити суммаси | ЎзТТЖ томонидан ажратилган сумма | ЎзТТЖнинг мақбуллаштирилган суммаси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Жами** | **196,38** | **111,31** | **85,07** | |
| 1 | Қўнғирот сода заводида кальцийнацияланган сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш | 13,26 | 9,15 | 4,11 | Лойиҳа қийматини мақбуллаштириш ҳисобига |
| 2 | Деҳқонобод калий ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (II босқич) | 128,12 | 102,16 | 25,96 | Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига лойиҳада ЎзТТЖ улуши қисқармоқда |
| 3 | "Фарғонаазот" АЖда меламин ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 55 | – | 55 | Лойиҳани "Самарқандкимё" АЖда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга оширилиши сабабли ЎзТТЖ улуши қисқармоқда. |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил "3" апрелдаги ПҚ–4265-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 майдаги "Фосфорит хом ашёсини ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–1975-сон қарори рус тилидаги матни 4-банди учинчи хатбошисидаги "ГП «Навоийский ГМК»" сўзлари "ООО «Qizilqum fosforit kompleksi»" сўзлари билан алмаштирилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 декабрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимлари тузилмасини такомиллаштириш ва улар сонини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2450-сон қарори 3-иловасининг V бўлими 6-позицияси чиқариб ташлансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги "Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–2640-сон қарори 11-бандидаги "Электрокимёсаноат" АЖ" сўзлари "Электркимёзавод" ҚК АЖ" сўзлари билан алмаштирилсин.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3818-сон қарори 1-иловасининг рус тилидаги матни "Ставка пошлины (в % от таможенной стоимости товара или в долларах США за ед. изм.)" устунида:

4011-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

"10, но не менее 3 долл. США за шт.";

4012-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

"20, но не менее 3 долл. США за шт.".

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3983-сон қарорининг:

а) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"2. 2019-2030 йиллар давомида "Ўзкимёсаноат" АЖ фаолиятида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, базавий маҳсулотларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда – "Йўл харитаси") 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин";

б) 7-бандининг;

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи–еттинчи хатбошилар тегишинча иккинчи–олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзкимёсаноат” АЖ фаолиятида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, базавий маҳсулотларни қайта ишлашни янада чуқурлаштириш, мавжуд активлардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг замонавий усулларини жорий қилишнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича**

**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

| Т/р | Тадбирлар | Лойиҳа қиймати ва молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш шакли ва механизми | Бажариш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳалари** | | | | | |
| 1. | “Самарқандкимё” АЖ негизида аммиак, карбамид, сульфат аммоний ва меламин ишлаб чиқариш | **450 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш. | 2019 йил апрель | “Ўзкимёсаноат” АЖ (*Темиров*) |
| | | | 2. Лицензиарларни танлаш ва баҳолаш. | 2019 йил апрель-июнь | |
| | | | 3. “Самарқандкимё” АЖнинг техник аудитини ўтказиш. | 2019 йил июль | |
| | | | 4. Лойиҳанинг оптимал конфигурациясини танлаш. | 2019 йил июль | |
| | | | 5. Лойиҳа доирасида базавий лойиҳалаштириш (FEED) ва ТИАни ишлаб чиқиш. | 2019 йил август - 2020 йил май | |
| | | | 6. EPC контрактини тайёрлаш ва имзолаш (тадқиқот ишлари ва қурилиш). | 2019 йил декабрь - 2020 йил март | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 7. Дастлабки қурилиш ишларини амалга ошириш.<br><br>8. Лойиҳа учун молиялаштиришни излаш ва жалб қилиш.<br><br>9. Асосий қурилиш ишларини амалга ошириш. | 2019 йил декабрь - 2020 йил март<br><br>2019 йил август - 2020 йил август<br><br>2020 йил март - 2023 йил февраль | |
| 2. | “Навоийазот” АЖда азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **216,6 млн АҚШ долл.** | 1. Технологик ускуналарни харид қилиш ва етказиш.<br><br>2. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш.<br><br>3. Тайёргарлик ва ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш.<br><br>4. Ўрнатилган тартибда объектни фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишчи комиссия далолатномасини расмийлаштириш. | 2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил октябрь<br>2019 йил декабрь<br><br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Навоийазот” АЖ *(Шарипов)* |
| 3. | “Навоийазот” АЖда аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **985,7 млн АҚШ долл.** | 1. Технологик ускуналарни харид қилиш ва етказиш.<br><br>2. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш.<br>3. Ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш, ишлаб чиқаришни бошлашни таъминлаш.<br><br>4. Ўрнатилган тартибда объектни ишга қабул қилиш бўйича ишчи комиссия далолатномасини расмийлаштириш. | 2019 йил август<br><br>2020 йил май<br>2020 йил сентябрь<br><br>2020 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Навоийазот” АЖ *(Шарипов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | "Аммофос-Максам" АЖда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш – I босқич | **9,7 млн АҚШ долл.** | 1. Технологик ускуналарни харид қилиш ва етказиш.<br><br>2. Қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш.<br><br>3. Ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш ва ишлаб чиқаришни бошлашни таъминлаш. | 2019 йил июль<br><br>2019 йил август<br>2019 йил сентябрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ *(Темиров)*, "Аммофос-Максам" АЖ *(Ибрагимов)* |
| 5. | "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖда калий сульфати ва калий тузларининг бошқа турларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **61 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил январь | "Ўзкимёсаноат" АЖ *(Темиров)*, "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ *(Шерматов)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 6. | "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖда гранулаланган хлорли калий ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **15 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил январь | "Ўзкимёсаноат" АЖ *(Темиров)*, "Деҳқонобод калий заводи" МЧЖ *(Шерматов)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 7. | Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш | **600 млн АҚШ долл.** *(манбалар аниқланмоқда)* | 1. Дастлабки лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br>2. Молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва кейинчалик ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш шарти билан бош | 2019 йил июль<br><br>2019 йил ноябрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | лойиҳасини амалга ошириш | | пудратчи билан шартнома тузиш орқали лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.<br><br>3. Молиялаштиришни очиш.<br><br>4. Қурилиш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш. | <br><br><br>2019 йил декабрь<br>2022 йил декабрь | вазирлиги *(Умурзаков)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Ходжаев)*, Асакабанк *(Сайдуллаев)*, "ЎзИнжиниринг" РЛИ *(Уразаев)* |
| 8. | Навоий вилоятида фосфорли ўғитлар, олтингугурт кислотасини ишлаб чиқариш, фосфорит хом ашёсини қайта ишлаш | **950 млн АҚШ долл.** | 1. Қўшимча геологик тадқиқотлар ўтказиш ва халқаро ташкилот томонидан фосфор хом ашёси майдонини баҳолаш (экспертиза) асосида лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш орқали технология лицензиарларини аниқлаш.<br><br>2. Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарадиган қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаларининг дастлабки лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br><br>3. Қайта ишлаш мажмуаси ва фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш бўйича тегишли келишувларга эришилган ҳолда потенциал хорижий инвестор ёки кредиторни излаб топиш.<br><br>4. Молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил октябрь<br><br>2020 йил апрель<br><br>2020 йил июль<br><br>2020 йил октябрь<br><br>2021 йил январь | "Ўзкимёсаноат" АЖ *(Темиров)*, Давлат геология қўмитаси *(Исламов)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Ходжаев)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, Навоий вилояти ҳокимияти *(Турсунов)*, "ЎзИнжиниринг" РЛИ *(Уразаев)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 5. Бош пудратчини аниқлаш ва шартнома тузиш ҳамда уни ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказиш.<br><br>6. Молиялаштиришни очиш ва қурилиш ишларини бошлаш.<br><br>7. Қурилиш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш. | 2021 йил февраль<br><br>2024 йил июль | |
| 9. | “Фарғонаазот” АЖда аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни модернизация қилиш | **91 млн АҚШ долл.** | 1. Потенциал инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.<br><br>2. Бош пудратчини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш ҳамда ўрнатилган тартибда уни экспертизадан ўтказиш.<br><br>3. Молиялаштиришни очиш.<br><br>4. Қурилиш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш. | 2019 йил декабрь<br><br>2020 йил март<br><br>2020 йил май<br><br>2023 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Фарғонаазот” АЖ *(Салижанов)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Ходжаев)*, “ЎзИнжиниринг” РЛИ *(Уразаев)* |
| 10. | “Фарғонаазот” АЖда аммиакли селитра ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва концентрация қилинмаган азот кислотаси ишлаб | **45 млн АҚШ долл.** | 1. Потенциал инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобидан молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Фарғонаазот” АЖ *(Салижанов)*, Инвестициялар ва ташқи савдо |

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | чиқаришни кенгайтириш | | 2. Бош пудратчини аниклаш ва у билан шартнома тузиш ҳамда ўрнатилган тартибда уни экспертизадан ўтказиш.<br><br>3. Молиялаштиришни очиш.<br>4. Қурилиш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш. | 2020 йил март<br><br>2020 йил май<br>2023 йил декабрь | вазирлиги *(Умурзаков)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Ходжаев)*, "ЎзИнжиниринг" РЛИ *(Уразаев)* |
| 11. | "Аммофос-Максам" АЖда фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш II босқич | **70 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини технология лицензиарлари билан ишлаб чиқиш ва лойиҳани амалга ошириш шартларини "Аммофос-Максам" АЖнинг хорижий ҳамтаъсисчиси "Максам" (Испания) компанияси билан келишиш.<br><br>2. Молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.<br><br>3. Бош пудратчини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш ҳамда ўрнатилган тартибда уни экспертизадан ўтказиш.<br><br>4. Молиялаштиришни очиш ва қурилиш ишларини бошлаш.<br><br>5. Қурилиш ишларини якунлаш ва фойдаланишга топшириш. | 2019 йил октябрь<br><br>2020 йил март<br><br>2020 йил июнь<br><br>2020 йил июль<br><br>2022 йил декабрь | "Ўзкимёсаноат" АЖ *(Темиров)*, "Аммофос-Максам" АЖ *(Ибрагимов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 12. | “Қўқон суперфосфат заводи” АЖда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳамда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **70 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳани амалга ошириш доирасида қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.<br>3. Биринчи босқични фойдаланишга топшириш (175,0 минг тн. соф вазндаги суперфосфат).<br>4. Иккинчи босқични фойдаланишга топшириш (350,0 минг тн. соф вазндаги суперфосфат).<br>5. Жамиятнинг ривожланиш концепциясини тайёрлаш ва II босқич доирасида инвестиция мажбуриятларини жалб қилиш. | 2019 йил июль<br>2019 йил июль<br>2020 йил июль<br>2021 йил январь<br>2021 йил декабрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Жўраев)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, Фарғона вилояти ҳокимияти *(Ганиев)*, хорижий инвестор |
| **II. Полимер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари** | | | | | |
| 13. | “Навоийазот” АЖда поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш | **500,1 млн АҚШ долл.** | 1. Монтаж ишларининг механик қисмини якунлаш.<br>2. Ишга тушириш-созлаш ишларини бажариш.<br>3. Объектни фойдаланишга топшириш.<br>4. Ўрнатилган тартибда объектни фойдаланишга қабул қилиш бўйича ишчи комиссия далолатномасини расмийлаштириш. | 2019 йил июль<br>2019 йил август<br>2019 йил сентябрь<br>2019 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Навоийазот” АЖ *(Шарипов)* |
| 14. | “Жиззах” ЭИЗда БОПП пленка ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **40 млн АҚШ долл.** | 1. Қўшма корхонани ташкил этиш.<br>2. Лойиҳанинг бизнес режасини ишлаб чиқиш. | 2019 йил август<br>2019 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Жиззах пластмасса” АЖ *(Туракулов)*, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3. Бош пудратчини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш.<br><br>4. Лойиҳанинг Ўзбекистон томони улушини биргаликда молиялаштириш учун тижорат банкининг кредитини жалб қилиш.<br>5. Молиялаштиришни очиш.<br><br>6. Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.<br><br>7. Объектни фойдаланишга топшириш. | 2020 йил март<br><br>2020 йил май<br><br>2020 йил июнь<br><br>2020 йил август<br>2021 йил декабрь | “ЎзСҚБ” АТБ *(Воитов)*.<br>Жиззах вилояти ҳокимияти *(Солиев)*,<br>“Жиззах” ЭИЗ дирекцияси *(Зоиров)* |
| 15. | “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан ҳамкорликда ПЭТ, синтетик каучук, кимёвий толалар, полистирол, полимерлар ва бошқа нефт-кимё маҳсулотларини келгусида ишлаб чиқариш мақсадида МТО технологияси бўйича 2 млрд $м^3$ газни қайта ишлаб, олефинлар ишлаб чиқариш | **6 500 млн АҚШ долл.** | 1. “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Ўзкимёсаноат” АЖ мутахассисларидан иборат қўшма ишчи гуруҳ тузиш.<br><br>2. 2019 йил май ойида Тошкентдаги халқаро нефт-газ конференциясида лойиҳанинг потенциал иштирокчилари, лицензиарлар, инвесторлар, консультантлар билан бизнес форум ўтказган ҳолда, лойиҳа концепциясини аниқлаш.<br><br>3. Бозорни ўрганиш натижасида технологик конфигурацияни ишлаб чиқиш ва маҳсулот тури бўйича қувватларни аниқлаш.<br><br>4. Йириклаштирилган молиявий-иқтисодий моделни ишлаб чиқиш. | 2019 йил апрель<br><br>2019 йил май<br><br>2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил ноябрь | Энергетика вазирлиги *(Султанов)*,<br>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*,<br>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Ходжаев)*,<br>“Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)* |

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **III. Республика иқтисодиёт соҳалари учун кимё маҳсулотларининг мавжуд турларини кенгайтириш ва янги турларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари** | | | | | |
| 16. | Навоий вилоятида ферросилиций ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **10 млн АҚШ долл.** | 1. Ишлаб чиқариш технологиясини аниқлаш ва бизнес режани ишлаб чиқиш.<br>2. Бош пудратчини аниқлаш.<br>3. Молиялаштириш манбаларини аниқлаш, молиялаштиришни очиш ва қурилиш ишларини бошлаш.<br>4. Объектни фойдаланишга топшириш. | 2019 йил сентябрь<br>2019 йил ноябрь<br>2020 йил январь<br>2022 йил август | “Навоийазот” АЖ *(Шарипов)*, Давлат геология қўмитаси *(Исламов)*, “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)* |
| 17. | Капролактам ишлаб чиқаришда кимёвий чиқиндиларни қайта ишлаш ва утилизация қилишни ташкил этиш | **3 млн АҚШ долл.** | 1. Капролактам ишлаб чиқариш чиқиндиларини “ECO TECH GROUP” ҚК МЧЖга беғараз ўтказиш шартлари:<br>– чиқинди полигони ҳудудида чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашга мўлжаллаган мини завод қуриш учун тегишли рухсатнома олиш;<br>– чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашда хавфсизликни таъминлаш учун мини заводни қонунчиликда ўрнатилган барча талаб ва нормаларга риоя қилган ҳолда, инвесторнинг 3 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган ўз маблағлари ҳисобига қуриш;<br>– чиқинди полигонини капролактам ишлаб чиқариш чиқиндиларидан бутунлай тозалаш ва капролактам ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тозаланган чиқинди полигонини “Максам-Чирчиқ” АЖ балансига кейинчалик фойдаланиш учун қайтариш;<br>– 70 тадан кам бўлмаган янги иш ўринларини яратиш; | 2019 йил апрель | Давлат активларини бошқариш агентлиги *(Жўраев)*, “Максам-Чирчиқ” АЖ *(Сайдахмедов)*, “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Тошкент вилояти ҳокимияти *(Ибрагимов)*, Давлат экология қўмитаси *(Кўчқоров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | – инвестор томонидан табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ва атроф-муҳитни сақлаш чораларини кўриш, шунингдек, экологияга турли зарарлар етказилиши хавфининг жавобгарлигини ўз маблағлари ҳисобига қоплаш мажбуриятини қабул қилиш.<br>2. Кичик завод қуриш учун Тошкент вилояти Паркент туманида умумий майдони 9,21 га бўлган ер участкасини ажратиш. | 2019 йил май | |
| 18. | “Навоийазот” АЖ негизида аммоний роданити ва натрий полисульфиди асосида тиомочевина ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **50 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳанинг ТИАсини экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.<br>3. Қўшма корхонани ташкил этиш.<br>4. Лойиҳанинг молиялаштириш, шу жумладан Ўзбекистон томони улушини биргаликда молиялаштириш учун манбаларни аниқлаш.<br>5. Молиялаштиришни очиш ва қурилиш ишларини бошлаш.<br>6. Объектни фойдаланишга топшириш. | 2019 йил сентябрь<br>2019 йил ноябрь<br>2020 йил январь<br>2020 йил март<br>2020 йил июнь<br>2022 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Навоийазот” АЖ *(Шарипов)*, “ЎзИнжиниринг” РЛИ *(Уразаев)*, Ўзсаноатқурилишбанк *(Воитов)* |
| 19. | “Жиззах пластмасса” АЖда кимёвий қўшилмалар ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш | **1,6 млн АҚШ долл.** | 1. Кимёвий қўшилмаларни чиқаришга доир технологик ускуналарни жойлаштириш учун ишлаб чиқариш майдонини тайёрлаш.<br>2. Кимёвий қўшилмаларни чиқаришга доир ускуналарни тайёрлаш, етказиш ва ўрнатиш. | 2019 йил июнь<br>2019 йил октябрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Жиззах пластмасса” АЖ *(Туракулов)* |

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3. Кимёвий қўшилмаларни чиқаришга доир объектни фойдаланишга топшириш. | 2019 йил декабрь | |
| 20. | “Навоийазот” АЖда қурук циан тузларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **30 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳанинг ТИАсини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Лойиҳанинг ТИАсини экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.<br><br>3. Қўшма корхонани ташкил этиш.<br><br>4. Лойиҳанинг молиялаштириш, шу жумладан Ўзбекистон томони улушини биргаликда молиялаштириш учун манбаларни аниқлаш.<br><br>5. Молиялаштиришни очиш ва қурилиш ишларини бошлаш.<br><br>6. Объектни фойдаланишга топшириш. | 2019 йил сентябрь<br>2019 йил ноябрь<br><br>2020 йил январь<br>2020 йил апрель<br><br>2020 йил июнь<br><br>2023 йил июль | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Навоийазот” АЖ *(Шарипов)*, “ЎзИнжиниринг” РЛИ *(Уразаев)*, Ўзсаноатқурилишбанк *(Воитов)* |
| 21. | Навоий вилоятида ўсимликлари кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **5 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 22. | “Ангрен” ЭИЗда енгил, юк ва автобус шиналари, конвейер ленталари, шунингдек, бошқа резина маҳсулотларини | **200 млн АҚШ долл.** | 1. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, лойиҳанинг дастлабки лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар ва технология лицензиарларини излаб топиш ҳамда тегишли келишувларга эришиш. | 2019 йил декабрь<br><br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖ *(Тиллаев)*, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ишлаб чиқариш (II босқич) | | 3. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2020 йил май | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, “Ўзкимёсаноат-лойиҳа” АЖ *(Абдуллаев)* |
| 23. | ЛАБ асосида синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **58,6 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 24. | “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида тўқимачилик кордларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **20 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, Тошкент вилояти ҳокимияти *(Ибрагимов)* |
| 25. | “Ангрен” ЭИЗ ҳудудида техник углерод ишлаб чиқаришни ташкил этиш | **100 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, Тошкент вилояти ҳокимияти *(Ибрагимов)* |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 26. | “Қўнғирот сода заводи” МЧЖда мавжуд калцинацияланган сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **180 млн АҚШ долл.** | 1. Хорижий инвестор билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш тармоқ жадвалини келишиш ва тасдиқлаш.<br><br>2. Инвестор ва молия институтлари билан хорижий инвестицияларни жалб қилиш шартларини ишлаб чиқиш. | 2019 йил август<br><br>2019 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 27. | ПВХ ишлаб чиқариш учун каустик сода ва хлор ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **213 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 28. | Водород пероксидини ишлаб чиқариш | **25 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |
| 29. | “Навоийазот” АЖ метанол негизида кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **435 млн АҚШ долл.** | 1. Маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, лойиҳанинг дастлабки лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар ва технология лицензиарларини излаб топиш ҳамда тегишли келишувларга эришиш. | 2019 йил октябрь<br><br>2019 йил декабрь | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)*, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 3. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2020 йил февраль | “Ўзкимёсаноат-лойиҳа” АЖ *(Абдуллаев)* |
| 30. | “Фарғонаазот” АЖ негизида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва янги турдаги кам тоннали кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **12,2 млн АҚШ долл.** | 1. Қувватларни ошириш ва янги турдаги кам тоннали кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича бизнес режа ишлаб чиқиш.<br><br>2. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш.<br><br>3. Ускуналарни харид қилиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш.<br><br>4. Лойиҳани босқичма-босқич фойдаланишга топшириш. | 2019 йил июнь<br><br>2019 йил декабрь<br><br>2020 йил декабрь<br><br>2021 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, “Фарғонаазот” АЖ *(Салижанов)* |
| 31. | Катализаторлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш | **125 млн АҚШ долл.** | 1. Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Хорижий инвесторлар, технология лицензиарларини излаб топиш ва лойиҳани келгусида амалга ошириш бўйича қарор қабул қилиш. | 2019 йил октябрь<br><br>2020 йил март | “Ўзкимёсаноат” АЖ *(Темиров)*, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(Умурзаков)* |

Амалга ошириладиган лойиҳаларнинг умумий қиймати – **12 073,0 млн АҚШ долл.**

**Изоҳлар:**

1. Мазкур “Йўл харитаси”даги тадбирларни амалга ошириш механизми ва муддатларига инвесторлар билан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш шартларини ишлаб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тузатишлар киритилиши мумкин.

2. Лойиҳаларнинг параметрларига лойиҳалар ДТИА/ТИАси ишлаб чиқилиши асосида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

ҚҲММБ: 07/19/4265/2883-сон
04.04.2019 й.



**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4145-сон қарори 3-иловаси 21-позицияси чиқариб ташлансин.

**7.** Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 октябрдаги “Давлат мулки объектларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 289-сон қарори 3-иловасининг рус тилидаги матни “Размер госактива, передаваемого в уставный капитал органов хозуправления (%)” устунида:

7-позициядаги “100” рақами “0,08” рақами билан алмаштирилсин;

14-позициядаги “100” рақами “0,03” рақами билан алмаштирилсин.

**8.** Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 августдаги “Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (II босқич)” инвестиция лойиҳаси доирасида тоғ-кон мажмуаси қурилишини якунлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 576-сон қарори рус тилидаги матни 4-банди учинчи хатбошисидаги ва 6-бандидаги “2020 йил” сўзлари “2022 йил” сўзлари билан алмаштирилсин.